

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 38 (66013)
1997 йил, 21 май, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Мен Ватанни қандай тушунаман? Бу саволни ҳар ким бир марта бўлса ҳам ўзига бериб кўрс керак. Мен унга жавоб беришга жуда ўйланиб қолдим. Ёдимга ёдлаган шеърларим, ўқиган нарсаларим келди. Харитани тасаввур қилдим ва Ўзбекистонни ҳаёлимга келтирдим. Унча кичик бўлмаган мана шу кенглик менинг Ватаним деб ўйладим. Ватан деганда менинг кўз олдимга энг аввало уйимиз келади. Мана шу уйимизни мен ҳар куни супуриб-сидириб, тоза тутишга, ҳовлимиздаги ҳар бир ни-

ҳолни парвариш қилишга ҳаракат қиламан. Ватанга ҳам худди шундай муносабатда бўлиш керак, деб тасаввур қиламан. Чунки Ватандаги ҳамма нарсаники, ҳаммамизники.

Яқинда дугоналарим билан шу хусусда гаплашиб қолдик. Кимдир: «Ватан муқаддас», — деди. Яна биров «Ватанни севишимиз керак», — деган гапни айтди. Бир хиллари «билмайман, бу ҳақда ўйлаганим йўқ», — деб қўяқолди. Лекин ҳаммамиз уйимизни, ота-онамизни, шаҳримизни яхши кўришимиз-

ни айтдик.

Яқинда аям дарсларимни текшираётим, ўзларининг ўқувчилик даврларида юртимиз ҳақида етарли билим берилмаганини, балки кўпроқ бошқа халқлар тарихи, адабиёти ўргатилганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Ўзбекистон мустақил бўлганлиги шарофати билан сизнинг олдингизда катта имкониятлар очилди, деб айтдилар.

Ватанимиз мустақил бўлгандан буён барча соҳаларда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса ёшларнинг яхши билим олишлари,

келажакда катта мутахассис бўлиб етишишлари учун ҳозир ҳамма шароит бор. Ўртоқларимнинг кўпчилиги чет элларга бориб ўқишни ҳавас қилишади. Улар чет элдаги тўкин ҳаёт учун эмас, балки ўз мамлакатимизни ҳам дунёдаги олди мамлакатлар қаторига олиб чиқишни ўйлаганлари учун ҳам шундай орзу қилишади.

Одам ўз Ватани туриб, дунёнинг ривожланган мамлакатларида яшашни ҳавас қилмасдан, ўз юртини ривожлантириши керак. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Амир Темур, Алишер Навоий, Ал Хоразмий, Заҳириддин Бобур, АТ-Термизий каби боболаримиз меросини ўрганишга киришдик. Бу мерос миллатимизнинг миллат эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Буюк боболаримиз ўз билимлари туфайли дунёга танилган эканлар, улар каби Ватани-

мизни дунёга танитиш учун тинмай ўқишимиз керак. Бугунги кунда ўз меҳнатлари билан Ватанимизнинг мустақиллигини таъминлаётган турли соҳаларда ўзларини кўрсатаётган ака-опаларимиз бизга ўрнак бўладилар. Айниқса, юртимиз иқтисодини бозор иқтисодиётига мос равишда ривожлантириш учун янгича билим, янгича тажриба керак бўлади. Шу соҳада эртага ака-опаларимиздан тажриба ўрганамиз. Ўзбекистонимиз буюк мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонамиз. Бу бизнинг киндик қонимиз тўкилган тупроқ, ўзимизнинг, бизга энг азиз бўлган инсонларнинг Ватани. Шуларни ўйлаб, Президентимиз айтган сўзларни мақоламга сарлавҳа қилиб қўйдим: «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир».

Хулкар Аъзамова,
Тошкент шаҳридаги
45-мактаб-гимназияси
ўқувчиси.

*Кўзларингда осмонни кўрдим,
Кўрдим юрак титроқларини.
Довдиратиб қўяди ажаб,
Будунёнинг сўроқларини.*

*Олисларга боққан болажон,
Нигоҳингда Ватан сурати.
Сени баланд кўтариб турар,
Аждодларнинг буюк қудрати.*

Сўхбат Қониқиш бор жойда...

Азиз болалар, севимли шоиримиз Анвар Обиджонни тигиз иш устида учратдик. Гарчи унинг бўш вақти бўлмаса-да, азбаройи сизларга бўлган меҳрими ёки шу сўхбат баҳона дам олмоқчи бўлдим, ҳар ҳолда ушбу кичкина мулоқотни сизга илди.

— Анвар ака, болалар адабиётидан кўнглингиз тўладими?

— Йўқ.

— Болаликка қайттигиз келадими, нима учун?

— Ташвишларга ортиқча кўмилиб қолганимда ҳаловатга бой болалигимни соғиниб тураман.

— Ўзингиз ҳам, «боғбон буваннинг шапологи»дан еганмисиз?

— Ҳа.

— Болалигингиздаги энг қизиқ воқеалардан бирини айтиб берсангиз?

— Биринчи синфда ўқиётганимда мактабимиз олдида нон идишли музқаймоқ опкелиб сотишди. Биттасини олиб ўзим яладим, иккинчисини укамга илиниб портфелимнинг четига жойладим. Уйга келиб қарасам, идиш турибдию, негадир музқаймоқ йўқ.

— «Шоир жаноблари» шеър ёзадиган болаларга қандай маслаҳатлар берасиз?

— Таниқли адибларнинг йўригини эшит... Ёзишга келганда, билганингни қил.

— Бўш вақтларингизда кўп-

роқ нималар билан шуғулланасиз?


— Иложи борица бирон нарсга ёзишга уриниб кўраман. Ёзсам хуморим босилади, ёзолмасам — ўпкам.


— Яқинда мактабларда сўнгги кўнғироқ чалинади, бир пайтлар сиз ҳам сўнгги кўнғироқ садолари остида нима ҳақида ҳаёл суриб, нималарни орзу қилгансиз?

— Мен ишлаб юриб, кечки мактабни битирганман. Биз «Янги ҳаёт»га кузатилувчилар қаторига кирмаганимиз боис, сўнгги кўнғироқ тантаналари ва бу билан боғлиқ орзулардан озод эдик.

— «Тонг юлдузи» газетасининг савияси Сизни қониқтирадими?

— Қониқиш бор жойда та-раққиёт секинлашади деган ўғитни ёддан чиқармай ишлайверайлик-чи...





ЎҒРИЛИК ҚИЛМАСАМ ТУРОЛМАЙМАН

Узоқ иккиланишлардан кейин сизга хат ёзиб сал бўлса-да, енгил тортаман, - деб уйладим. Менга йул курсатинг. Нима қилай? Боши берк кучага кириб қолганман. 8—синфда ўқийман. Ўқишларим ёмон эмас. Аммо ёмон бир одатга урганиб қолдим. Ҳаммаси туғилган кунга пул йиғишдан бошланди. Ҳар ойда битта ёки иккита синфдошимизнинг туғилган куни нишонланади. Бутун синфимиз билан келишиб ҳар гал эллик сўмдан пул йиғамиз. Бизнинг оиламиз фақат дадамнинг маоши билан кун куради. Онам ишламайдилар. Мен бош фарзандман. Мендан кейин уч укам бор. Ҳадеб дадамдан пул сурайвериш, уларнинг жонига тегдим шекилли ўғлим, укаларингнинг ҳам уйласанг-чи, уларга уст — бош қилиш керак. Рузгорни тортиш керак, мендан пул сурашни бас қил, ундан кура ўқишнинг пайида бул, - дедилар».

— Мен жуда уялиб кетдим, тун буйи ухламай чиқдим. Энди ўртоқларим олдида нима деган одам бўлдим, - деб уйладим.

Бошим қотиб қолди. Саҳарлаб туриб ҳовлига чиқдим. Не куз билан курай-ки, айвон устунига дадамнинг костюмлари илиниб турибди. Қандайдир бир куч мени чўнтакка қўл солишга мажбур қилди. Пулдан узимга кераклигини олдим-да, қолганини жойига қўйдим. Дадам уйғонмасдан олдин апил-тапил кийиниб мактабга йўл олдим. Кечқурун ишдан қайтган дадамнинг кузларига қарабдан уялдим. Уларда ҳеч қандай ўзгариш сезмаганимдан кейин хотиржам бўлдим. Мен энди тез — тез дадамнинг чўнтакларига тушиб турардим. Бу билан ҳам қаноатланмай ҳамма танаффусга чиққанида ўртоқларимнинг сумкаларига ҳам қўл соладиган бўлдим. Айни пайтда эса ўғрилиқ қилмасам туролмайман.

Баъзан ўғрилиқ қилиб қамоқ жазосига тортилган болалар ҳа-

Укажон, гарчи сен билиб — билмай кириб қолган бу йўл нақадар мудҳиш бўлмасин, ўз айбинга иқдорлигингдан қувондик. Бир кун ўғрилиқ билан қўлга тушиб халқ олдида, ота — онанг, ўртоқларинг олдида нақадар шармандали ҳолга тушиб қолишингни бир тасаввур қилиб кўр.

Дунёда ҳалоллик деган бир хислат бор. У ҳар қандай хунук одамни ҳам чиройли, ҳар қандай камбағални ҳам бой қилади.

Сени ҳам ана шу ҳалоллик йўлига киришингни хоҳлардим. Ушанда виждонинг хотиржам, юзинг ёруғ бўлади. Ўғрилиқ йўлидан қайтсанг, яхши ўқиб келажақда машҳур одам бўласан. Чунки келажақ ўзининг афсоналари-ю, эҳсон-

олдим. Эртаси кун дарс бошла-нишидан олдин уша хатни қизқичлик учун бутун синф олдида ўқиб бердим.

Шу пайтда хатни ўқитганимда қизлар, болалар гурра — гурра қулишарди. Бу ҳолатга чидаммаган Н. ўқдек отилиб синфдан чиқиб кетди. Шу кетганича мактабга қайта қадами-ни босмади. У жуда яхши ўқир, мактабда бўладиган кечаларда фаол қатнашарди. Шунинг учун бўлса керак, ўқитувчилар унинг дарсга келмаётгани билан астойдил қизиқа бошладилар. Синфдошларим ҳам бир нарсани тушунгандай, менга хумрайиб қарайдиган бўлишди. Ҳатто унинг яқин ўртоқлари келиб ундан кечирим сурашимни талаб қилишди. Ва мени худбинликда айблашди. Ҳозир

гулистон буларди. Назаримда, синфдошларинг олдида ўзингни курсатинг келган шекилли. Сингилжон, сенинг айбинг ўзингни яхши кўришингда.

ГАП ТАЩИШНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Ҳозир мен билан синфда ҳеч ким гаплашмай қўйган. Нима қилсам экан деб, роса қўп уйладим. Энди сизнинг маслаҳатингизга муштоқман, 8-синфда ўқийман. Гап ташишни яхши кўраман. Ўзим шунақаман, кимнингдир гапини кимгадир айтаётганда, унга яхшилик қилаётганга ўхшайман. Бутун синфдошларим мени «Соттихон» деб масҳара қилишга ўтишган. Ўйда опаларим «ҳа чумчуқ» мактабда нима гаплар деб қулишди. Баъзан хўрлигим келади. Шунчалик ёмон одамманми, ҳатто бирорта ҳам дўстим йўқ. Бу одатимни яқиндан бошлаб ташладим. Аммо синфдошларим барибир менга ишонмайди. Бошқа мактабга ўтиб ўқисам-микан? Сиз қандай йўл курсатасиз, нима қилай?

**НИГОРА,
Наманган.**

Нигора, ёмон одатинг бор экан. Айтганинг рост бўлса, ҳар тугул ундан қутулибсан. Аммо билиб қўйки, дунёдаги энг ёмон иллат бировнинг гапини бировга етказиб, одамлар орасига нифоқ солиш. Гап ташиш ортидан қанча асаблар, кўнгиллар бузилади. Минг йиллик дўстлик ришталари узилади. Катта фожиаларни илдири ҳам шунга бориб тақалади.

Бошқа мактабга бориб ўқиш ҳаёлидан воз кечиш яхшиси дўстларингнинг ишончини оқла.

Азиз болалар! Юқорида биз сизни ҳам музокарага чорлаймиз, дедик. Ёлон қилинган мактублар ҳақидаги фикрингизни бизга ёзиб юборасиз деган умиддамиз.

**«ТОНГ ЮЛДУЗИ»
тахририяти**

ҚУЛОҒИНГГА ГАПИМ БОР

Азиз болалар! Тахририятимизга сизлардан жуда қўп мактублар келяпти. Буларнинг айримларида тенгдошларингиз юрак сирларини ёзиб, ўзларини қийнаётган баъзи муаммолар ҳақида биздан маслаҳатлар сурайдилар. Ва мактуб ёлон қилинаётганда манзиллари, исми — шарифларини ёзмастлигимизни илтимос қиладилар. Уларнинг илтимосларини инобатга олиб, «Қулоғингга гапим бор» рукнини очдик. Бу рукн орқали уларнинг саволларига баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қилдик.

Ўйлаймизки, бу рукн сизнинг яқин дўстингиз ва сирдошингизга айланади. Тортинмай ўз юрак сирларингизни бизга ишонаверинг. Ўйиборингизга тенгдошларингиздан келган баъзи мактубларни ҳавола этиб сизни ҳам мунозарага чорлаймиз.

қида эшитсам қўқиб кетаман.

Виждоним эзилиб кетади. Узининг ҳалол меҳнати билан бизни боқаётган дадажоним, меҳрибон онажоним олдида қанчалик қўп гуноҳга ботаётганимни билсангиз эди. Мен урганиб қолган бу ярамас одатдан қандай қутулсам буларкин. Бировдан ёрдам сурашга уялман. Мен ўғриман деб қандай айтай ахир?! Ўйлай — ўйлай фақат сиз ёрдам беришингиз мумкин деган қарорга келдим. Мени бу йўлдан қайтишимга ёрдам беринг.

**РЎЗИҚУЛ,
Фаргона**

лари билан сеники. Агар бу йўлдан қайтишга жуда ҳам қийналсанг, бирор юмуш билан шугуллан. Онангга уй ишларида ёрдамлаш. Баракалла ўғлим-деган сўзни ҳар кун эшитсанг, ўзингни покланиб бораётганлигингни ҳис қиласан. Сенинг бу йўлдан қайтишингга ишонамиз. Чунки виждонли бола экансан...

МЕНИНГ АЙБИМ НИМА?

Ёшим 16 да. 10—синфда ўқийман. Яқинда бўлган бир воқеа менинг ҳаётга бўлган қарашларимни мутлақ ўзгартириб юборди. Н. исмли синфдошимдан ишқ изҳори битилган мактуб

ҳеч қаерга сиғмайдигандек сиқилиб кетяпман. Ахир менинг айбим нима?

**ДИЛДОРА.
Бухоро**

Дилдора, сен балоғат ёшидасан. Сингилжон, ҳар бир нарсанинг ўз чегараси, ўз мезони бўлгани яхши. Сен анчагина қўп хатога йўл қўйибсан, бир бор ўзингни Н.нинг урнига қўйиб кўр-чи?.. Оғир-а, йигитнинг ўртоқлари сенга тўғри айтишибди. Сен бориб кечирим сура. У билан дўст бўлиб қол. Аслида хатни олган кунинг унга яхшигина тушунтириб муҳаббат йўли учун анчагина ёшлиқ қилишингни айтганимда эди, олам





Болаликда нималар булмайди, дейсиз?!
Тахминан беш-олти ёшларда эдим. Уйимиз ёнида қурилиш кетаётган эди. Қурилаётган иморат ҳамиша зур уйингоҳ-да. Дима деган уртоғим билан мени-деярли ҳар куни шу ердан топар эдингиз.

Уйнаб юриб, бир катта чуқурлик ёнига келиб қолдик. Ичи қум билан тулдирилган экан. Биласиз, болалар табиятан макташчоқликни ҳуш қурадилар. Менинг ҳам узимни

ХАЙР, БОЛАЛИК

мард, наҳлавон қилиб курсатгим келди. Чуқурга биринчи бўлиб сакрадим. Сакрадим-у...

Хандақдаги қум эмас, цемент экан. Худди сувга тушган одамдай кукрагимгача цементга ботиб кетдим. Бу қутилмаган ҳодисадан кейин болаларга хос йигидан ҳам «бенасиб қолмадим», албатта.

Дустни мусибат куни сина, деганлар. Дима аҳволимни қуриб, қараб турмади. Мени қутқариш учун у ҳам орқамдан сакради. Кемага тушганнинг жони бир деганларидек биз бирга «чукаётган» эдик. Нима қилиб булса ҳам, бу ердан қутулишнинг иложини топмоқчи бўлиб, тинимсиз талпинардик. Талпина-талпина, бир бало қилиб, хандақдан чиқдик.

Энди уйга қараб югурдик, албатта. Дадам ҳам, онам ҳам ҳовлида эканлар. Дарвозани биргалашиб очдилар. Не куз билан курсинларки, остонада икки «қулранг бола» турар эди.

«Қурқоқ олдин мушт кутарар», — деганларидек, йигини бошлаб юбордим. Лекин...

Дадам билан онам беихтиёр кула бошладилар. Йигини кулгига айлантириш қийин эканми! Бу ёғини дарров қотириб ташлаймиз.

Узимиз ҳам биргалашиб кулишдик...

«Болалигим — подшолугим», — деб бекорга айтилмаган. Болаликда ташвиш, ҳасад, гараз нималигини билмай усава-

расиз. Аммо улғайганинг сари ҳаёт мураккабликларини англай борар экансан. Болалик яхши. Бироқ бир умр бола бўлиб яшашнинг иложи йуқ! Инсон узига аста-секин турли масъулиятлар ола бошлайди. Болалик шундай даврки, қурган нарсангни тугри деб биласан, уни қонун каби қабул қиласан. Чунки воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишга кучинг етмайди. Шунинг учун жуда оғувчан ҳам буласан. Лекин, энг муҳими, болаликда кишининг келажаги яширинган, унинг пойдевори қурилаётган булади.

Одамларнинг, хусусан, шоирларнинг болаликни куп қумсаши бежиз эмас. Абдулла Ориф умрининг бу даврини шундай хотирлайдилар:

Болалик йилларин эслайман оз-оз-
Босиқ уйку ичра ётганда олам,
Тонглар қулоғимга келарди овоз:
«Ғафлатда ётмагил, эркатой болам».
У жажжи баҳорнинг шўх саси эди,
У мунис онамнинг нафаси эди.
Йиллар ўтди, бир оз улғайдик, бу кун —
Ватан хизматига бир қадар дастёр.
Олам ташвишидан юракда тўлқин
Ватан қудратидан қалбда гурур бор.
Энди сен чорласанг, токи танда жон,
Лаббай деяжакман, Ватан — онажон.

Ҳақиқатан ҳам, болалик — бегуборлик, соддалик, поклик. Болаликда йул қуйилган айрим хато-камчиликларимиз гуноҳ саналмас, иншооллоҳ.

Мана, утган йили лицейга ўқишга қабул қилиндим. Бунинг учун куп қулиб катталар сафига киришим бўлди, деб уйлайман. Чунки энди ёш болалардек уйинқароқлик, масъулиятсизлик, дангасалик ва бошқа шу каби нарсаларга чек қўйилди ҳисоб. Бу — менинг мустақил ҳаётга илк қадамим.

Келажақда лицейни битириб, ўзим севган касбнинг этагини тутаман, бу йулда яна ўқийман. Сунг эса, шоиримиз айтганларидек, мен ҳам Ватанга чин дилдан хизмат қиламан.

Бунинг учун куп ўқиб-урганишим, ўзимни шунга лойиқ даражада ўстириш кераклигини сезиб турибман.

Хайр, энди болалик!
Ассалом, усмирлик!

Фаррухбек ОЛИМ,

Алишер Навоий номидаги республика «Нафис санъат» лицейи ўқувчиси.

Ўзбекнинг кичиги

Эрталаблари зур тушлар қуриб ётсам Хумоюнбек, тур мактабга кечга қолдинг, тур инглиз тилига кечга қолдинг деб уйғотадилар. Мен кун бўйи афсусланиб юраман, қани энди шундай бир дори булса ичиб ухласанг, истаган тушингни кураверсанг. Мен тушимда купинча мультфильмларни, турли-туман рангли шаклларни кураман. Шуларни Юлдуз опамга айтсам, у менга: бекорчисан-да, дейди. Айнан уша бекорчи деган гапни Юлдуз опам аямдан



урганиб олган, аям эрталаблари бизни:

— Хурматли бекорчи, дангаса граждандар, қани туринглари, — деб уйғотади.

Тугри, мен жуда куп теле-

визор кураман, жўраларим билан кассеталар алмаштириб, видео кураман. Баъзан дарс қилиш, уй ишларини бажариш ҳам эсимдан чиқиб кетади. Лекин дадам (биз асли хоразмлик булганимиз учун дадага ака деймиз) ишдан келгунларича, ҳамма ишларни қилишга ҳаракат қиламан. Менинг иш кунимга:

— емак столини йиғиштириш, чойнак-пиёлаларни ювиш, қул ювгичларни артиш, уйларни чангютгичда тозалаш киради. Уйга меҳмон келса, хизматга шай бўлиб, эшик ёнида тураман. Дадам бизга шундай ургатганлар. Уй юмушларини Юлдуз опам билан тенг бўлишиб олганмиз, у уйларни йиғиштиради, саранжом-саришта-лайди, идиш-товокларни ювади. Бир томони бор, бирон нарсага тегишимга рухсат бермайди: Хумоюн кийимларингни ёйма, видеога тегма, музлатгични очма... Изимдан қувлаб юради-я, шу қиз. Мен шундай пайтларда аямга ҳамиша айтаман, нимага мени катта қилиб, Юлдуз опамдан олдин туғмагансиз? дейман. Шундай булса зур

буларди, мен эрталабдан кечгача синглим Юлдузга иш буюриб: Юлдуз уни қил, буни қил дердим. Ҳозир-чи, эҳ... Дадам менга хазиллашиб: ўзбекнинг кичиги, дейдилар. Ўзбекнинг кичиги тиним билмасмиш, мен худди шундай уйда ҳамма ишни деярли ўзим қиламан. Мактабни ҳам қуяйми, мактабда мен фақат аъло баҳоларга ўқийман, компьютерда ишлашни биламан, озроқ инглизча гаплашишни биламан. Расмлар чизаман, расм ўқитувчимиз Назира опа бир кунни лайлакни зур чизганим учун олти қўйдилар. Яқинда аям бизга «Расмларда Ватан тарихи» деган китоб олиб келдилар, мактабга олиб борган-

дим ўқитувчимиз Шаҳноза опа, ҳаммаларингиз шу китобдан сотиб олсангизлар яхши буларди, дедилар. Опам билан бу китобдан куп нарса ургандик, шу китобга қараб турли расмлар чиздик. Бир расмимизда булутлар орасида учиб бораётган дарахт тасвирланганди, синфдошларимизга ёқмади. Дарахтда ҳеч қачон қанот булмайди, у ҳеч қачон учмайди дейишди. Менинг назаримда эса, ҳамма нарса учади, ахир мультфильмларда учади-ку. Синфдошларим мендан, нега сенинг отингни Хумоюн қўйишган деб сурашади. Менга шўх Бобурнинг ўғлини отини қўйишган экан, уз отим билан фахрланаман. Билишим-



ча шўх Бобур Ҳиндистонга бориб катта давлат қурган, бу давлат уч юз йиллар атрофида ҳукм сурган экан. Аямнинг айтишларича, бизнинг болаларимиз ер юзида юз йигирма марта давлат қуриб, шон-шараф билан умр кечирган эканлар. Дунёда шундай миллатлар буларканки, булар ҳеч қачон алоҳида уз давлатларига эга булмаган эканлар. Насиб булса улғайсам, мен ҳам дунё корига ярайдиган одам буламан.

Пули кам булган одамларга ердам бераман, Ўзбекистонни обод этаман. Ўзбекистонда ҳам Тож Маҳалга ухшаган зур қасрлар қурдираман. Қани эди тезроқ катта булсам! Орзуларим бир олам. Ҳозирча шу. Келаси сафар нечун қаратэга қатнамаганим ва Юлдуз опамнинг қаратэчилиги ҳақида гапириб бераман.

Гуд-бай!

Хумоюнбек АБАЗОВ,
Тошкент шаҳридаги
282-мактаб ўқувчиси.
Суратларни Хумоюн-
бек чизган.



Кулги-кулдириш Машгулолари

— Дада, менга чирманда олиб беринг.

— Ке, кўй, ишлашга халақит берасан.

— Йўқ, сиз ухлаганда чаламан.

Азиз болажонлар, кулгисевар дўстлар, балки сиз бу латифани бир эмас, ун эмас, 100 арта эшитгандирсиз. Лекин барибир жилайдиган, дилингиз яйради. Озми-купми кулгу напидасидан бахраманд булдингиз, шундай эмасми? Яшанг, баракалла. Баъзан шунақа пайтларда дилингизда «кулги нима ва унинг хизмати нималардан иборат?» деганга ухшаш саволлар тугилади, яъни узумини еб, боғини, боғбонини суриштириб қоласиз.

Дарҳақиқат, **кулги нима? Унинг ошиғу шайдолари нега бунчалик сероб, кулгининг сеҳри борми, ё? Кулги уруғидан кўпаядими? Ё кўчатиданми?** Бу каби саволлар неча минг йиллардан бери одамлар ҳаёлини банд этиб келади. Бу саволларга кимлардир узица жавоб излаган ва топган ҳам.

Болажонлар, билишимизча ҳозир сизлар ҳам ҳаёлан шу саволларга жавоб излашга киришиб кетдингиз. Келинг, ҳозир яхшиси биргаликда аввал кулги нималигини аниқлаб олайлик.

Изоҳли луғатларда айтишларича, кулги биринчидан, хурсандчилик, вақти чоғлик, ва завқланишни ифодалайдиган товушлар ёки овозларни англатар экан.

Иккинчидан, мазах ёки калака қилинадиган нарсалар ҳам кулги деб аталар экан.

Олиму замонлар, ақли донишлар тили билан айтганда кулги эзгу кишиларга табиат томонидан ато қилинган эҳсон!

Ҳа, инсон кула биладиган бирдан бир тирик жондир! Бурининг кулганини, тулкининг илжайганини ёки булмаса товуқнинг табассум қилганини бу ёруғ дунёда ҳали ҳозирча ҳеч ким кўрган эмас.

Кулги инсон билан бирга тугилган. «Одам ато осмондан заминга тушганда ҳасратга чумиб яшаган» деган гапга асло ишонмайман. Одам ато ҳам чеккан бўлса бордир, аммо кулган ҳам!

Кулги инсоннинг маънавий озиғи ҳисобланади. У кишига бекиёс лаззат, роҳат ва фаро-

ғат бахш этади. Уни маънан бойитади, руҳан юксалтиради, ахлоқан покизалайди, олижаноб ишларга отлантиради. Халқимизнинг кулгига азалдан ихлоси баланд эканлигининг боиси шундан. Дунёга машҳур қаҳқаҳа пири Насриддин Афанди-



миз, Алдаркусамиз, унлаб қизиқчиларимиз қолаверса, каттаю кичикка манзур аския-миз, бунинг ҳаммаси халқимизнинг маданият ва санъатида кулги-ҳажв энг қадимий ва чуқур анъаналарига эга эканликларидан далолатдир.

Хусусан бизнинг кулги, мутойибасеварлигимиз туйларда, гурунларда, байрамларда, сайилларда яққол намоён бўлади. Халқ нақлида айтилганидек агар ҳусн туйда, муҳаббат кунда керак бўлса, табассум, кулги, хушчақчақлик туйда ҳам, йулда ҳам, хуллас ҳамма ерда, ҳамма вақт ҳаво, сувдек зарур.

Менинг бир шифокор дўстим бор, унинг таъкидлашича, одам дил-дилдан ҳузур қилиб кулганда юрак дақиқанинг юздан бир бўлаги мобайнида тўхтаб, «нафас ростлаб» олар экан. Шифокорлар буни муъжиза, дейдилар. Юракнинг уша бир тўхтаб олиши, яъни сизнинг хандон қаҳқаҳангиз умрингизни бир неча йилга узайтираркан.

Кулги ёлғиз кунгил очиб, ҳордиқ чиқариш, ҳузур ҳаловат, саломатлик бахш этувчи омилгина эмас, балки мустаҳкам ирода, мардлик, жасорат, шижоат, матонат ва олижаноблик белгиси ҳамдир. Шунинг учун ҳам кулгига эътибор зўр.

Кулги—бебаҳо бойлик, дедик,

хуш, бу бебаҳо бойликнинг манбайи қерда? Уни қерлардан излаш керак? Кулги оқар дарё эмаски, уни челақлаб олиб, истаганча сарфлайверсак.

Маълумки, дарёлар узанлардан, тоғ этақларидан оқиб келаётган ирмоқлардан, чашмалардан, булоқлардан ҳосил бўлади. Қувноқ кулги ҳам шундай. У самимий табассум ирмоқларидан, одамлар бир-бирларига бахшийда этаётган яхши кайфият чашмаларидан,

кишиларимизнинг бир-бирларига улашаётган хурсандчилик булоқларидан ҳосил бўлади. Ирмоқлар, чашмалар, булоқлар қанча кўп бўлса, дарё шунча тўлиб оқади!

Халқимизда, кулиш осон, кулдириш қийин, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам биз бирон қизиқ гап эшитганда куламыз. Лекин уша қизиқ гапни топиб, бошқаларни кулдиришга келганда қийналамыз. Нега? Демак, кулдириш осон иш эмас, ҳар кимнинг ҳам қулидан келавермас экан.

Боя айтганимиздай, илжаймоқ, тиржаймоқ, қаҳқаҳа урмоқ сингари кулгининг турлари, шакли, усуллари жуда кўп.

Биз кулишни, кулдиришни, аввало, кулдирувчиларимизнинг пири Хужа Насриддиндан Афандидан урганмоғимиз керак. Чунки у минг йиллар да-



— Тур, мактабингдан қолма болам, ойлик олай, мактабингнинг ремонтига пул бераман.

М. УНГАРОВ расми.

1-сабоқ

вомида барча халқларни кулдириб келаяпти. Қани айтингчи, у шунча кулгини қердан олади? Очил дастурхони борми унинг?

Хужа Насриддин кулгини халқдан олади, халққа беради.

Афанди латифаларини бир эсланглар-а, уларни тинглаганда узингиз худди уни ҳаётда кўрган, учратган, гувох бўлганга ухшайсиз. Афанди латифаларининг ҳаётийлиги, умри узоқчилигининг сабаби ҳам шундан.

Болажонлар, кунг-лим сезиб турибди, ҳозир ҳаммаларингизнинг латифа эшитингиз келаяпти. Булмаса гап бундай, ҳозир ҳар ким узи билган, яхши кўрган латифасини айтиб беради. Бирга кулишамиз. Шу билан бугунги машғулоти-мизни якунлаймиз.

Қани, ким бошлайди? Эшматми, Тошматми, Мулла Мамажонми? Марҳамат!

МУЛЛА МАМАЖОН — Хужа Насриддин, — дебди бир лақма. — Нима учун қулоғим иккита-ю, оғзим битта?

— Кўпроқ тинглаш учун қулоғинг иккита, — жавоб берибди Афанди. — Агар оғзинг ҳам иккита бўлганида одамларнинг миясини қоқиб қўлига берардинг.

ЭШМАТ — Мулла Мамажон, ўша сиз айтган Афандидан муаллим сўрабди:

— Бу қанақаси Насриддин, тўртинчи синфда «5» га ўқиган эдинг. Бешинчида эса иккига тушиб қолдинг?

— Дадам бешинчи синфда ўқимаган экан-да, — деб жавоб берибди Афанди.

ТОШМАТ — Латифангиз тугадими Эшматжон, кулайликми?

ЭШМАТ — Шартмас.

ТОШМАТ — Бўлмаса куладиганидан эшитинг:

Афанди болалигида ҳам Афанди экан:

— Ойи бугун иншодан «беш» оламан, — деб мақтанибди бир кун.

— Қаёқдан биласан, — сўрабди онаси.

— Аълочи Азизнинг олдида ўтириб, иншони сўзмасўз кўчириб олдим.

— Нима мавзуда иншо ёздинглар?

«Менинг таржимаи ҳолим».

Раҳмат, болажонлар, ҳаммаларингиз ҳам латифа айтишга анча устаси паранг кўринасизлар. Машқни бўшаштирмайлар!

Энди уйга вазифа:

БИРИНЧИ — «Кулган чехра — Гулчехра» мақолининг мағзини чақинг!

ИККИНЧИ — Қувноқ кулги лаззати билан музқаймоқ уртасидаги фарқни аниқланг!

Шу билан бугунги машғулоти-миз тугади.

Келгуси машғулоти-миз мавзуси «ҳазил ҳисси» ҳақида бўлади.

Хайр, саломат булинглар.

Тўлан ТАБАССУМ,

«Кулгисеварлар клуби» мудири.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0296.
11960 нусхада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Маънавий: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Наир кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25